

---

## ТУМАН ҲОКИМИ ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНИ БИЛАН ТАНИШДИ

Фарғона вилояти ҳокими Х.Бозаровнинг Қўштепа тумани Кўприкбоши маҳалласи Каттариқ кўчасида якка ёлғиз яшовчи О.Назаров ва Халқобод маҳалласи Қоражийда кўчасида яшовчи Одилжон Парпиевларнинг хонадонида бўлиб, ушбу оилаларни ижтимоий ва молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан берган кўрсатмасига асосан туман ҳокимининг ташаббуси билан хомийлик асосида уларга уй-жой қурилиб, муносиб даромад манбаи ҳам яратиб берилмоқда.

Бугун туман ҳокими А.Абдуллаев ушбу оилаларда бўлиб, қурилиш жараёни билан танишди.

Туман раҳбари томонидан масъулларга қурилиш ишларини сифатли ҳамда белгиланган талаблар асосида бажарилишини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди ҳамда қурилиш ишлари назоратга олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)  
2024-05-02 16:38:24